
РИШТОНДА ЧИННИ ВА КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Риштон туманида амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Навбаҳор МФЙ ҳудудидаги “Моҳидиёр Рошидон” ва “Олимжон Илёсбек” корхоналарини бориб кўрди.

Чинни ва керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга қаратилган инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, чинни маҳсулотлари ва электр тармоқлари учун изоляторлар ишлаб чиқарувчи “Моҳидиёр Рошидон” оилавий корхонасида бир йилда 8 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади. Амалга оширилаётган қиймати 6 миллиард сўм бўлган янги лойиҳа ҳисобига корхонада қўшимча 70 та иш ўрни яратилади, йиллик ишлаб чиқариш қиймати эса 2 миллиард сўмга кўпаяди. Марказий Осиёдаги кам сонли изолятор ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган “Моҳидиёр Рошидон” маҳсулотларини қўшни давлатларга ҳамда Грецияга экспорт қилиш бошланмоқда.

“Олимжон Илёсбек” корхонасида эса 7 миллиард сўмлик янги ишлаб чиқариш линияси ташкил этилаётган бўлиб, 100 та янги иш ўрни шакллантирилмоқда.

Вилоят ҳокими, шунингдек тумандаги А.Навоий МФЙ ҳудудида жойлашган, собиқ керамика заводининг бўш турган бино-иншоотлари негизида тадбиркор Муҳайё Сатторова томонидан ташкил этилган чинни маҳсулотларига безак бериш цехини бориб кўрди. Бугунги кунда бу ерда 50 дан ортиқ хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, ишсиз маҳалла аёллари ҳам касаначилик асосида ишга жалб этиб келинмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-11-16 09:50:01